

20\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_ даги  
\_\_\_\_ сонли буйрукка  
7-илова

Мобил алоқа хизматларини кўрсатиш тўғрисида  
ШАРТНОМА №\_171500761869\_\_

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_

Фаргона ш.

Ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари агентлиги (хукукий вориси – Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги) томонидан берилган 08.09.2014 йилдаги АА 0005149 сонли; 08.09.2014 йилдаги АА 0005150 сонли; 08.09.2014 йилдаги АА 0005151 сонли; 08.09.2014 йилдаги АА 0005152 сонли; 08.10.2019 йилдаги АА 0006976 сонли; 05.12.2019 йилдаги АА 0008015 сонли лицензиялар асосида олиб борувчи ва кейинги ўринларда “Оператор” деб аталувчи “Universal Mobile Systems” масъулияти чекланган жамияти (қискартирилган номи “UMS” МЧЖ), ўз вакили – 2020\_\_ йил “\_12\_”\_\_30\_\_ даги \_\_03183\_\_ сонли ишончнома асосида иш олиб борувчи \_\_Ким Климентий Вячеслав угли\_\_ оркали бир томондан ва кейинги ўринларда “Абонент” деб аталувчи Фаргона вилоят ҳокимлиги ҳуқуқий шахси бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг қўли остида бўлган “Тарафлар” алоқа хизматлари ширкати ўз вакили – Низом асосида иш олиб борувчи Хамидов Ойбекисон Одилов оркали иккинчи томондан (биргаликда “Тарафлар”, алоҳида “Тараф” деб аталади) Мобил алоқа хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги ушбу шартномани қуйидагилар хақида туздилар:

1. Атамалар ва таърифлар. Талқин.

Ушбу Шартнома бўлимларининг барча сарлавҳалари фақат улардан фойдаланиш (уларни ўқиш) қулайлигини мўлжаллаб қўлланилди ва Шартнома шартлари талқинига ҳеч қандай тарзда таъсир кўрсатмайди.

Ушбу Шартнома мақсадлари учун қуйидаги асосий атамалар ва таърифлар қўлланилди:

**Абонент** – Оператор билан ушбу Шартномани имзолаган, товар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилари билан бюджет ажратмалари бўйича шартномалари, шунингдек уларга ўзгартиш ва қўшимчалар ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтганидан кейин қучга қирадиган бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағларини олувчи.

**Абонент қурилмаси** – абонент мулки бўлган ёки унга вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланишга берилган, телекоммуникациялар тармоқлари билан алоқа боғлаб, телекоммуникациялар тармоқлари оркали узатиладиган ёки қабул қилинадиган сигналларни ҳосил қилиш, ўзгартириш, қайта ишлаш учун мўлжалланган техник восита.

Абонент қурилмаси Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган стандартларга мувофиқ ушбу турдаги ускуналарга қўйиладиган техник талабларга жавоб бериши, шунингдек ЎЗР қонунчилигида кўзда тутилган ҳолларда мувофиқлик сертификати бўлиши керак.

Алоқа хизматларидан фойдаланиш учун Абонентга берилган SIM-карта қўйилган Абонент қурилмаси ёрдамида амалга оширилган хатти-харакатлар Абонент номидан амалга оширилган ҳисобланади.

**Абонент рақами** – Шартнома амал қиладиган давр учун Оператор томонидан Абонентга бериладиган рақам.

**Алоҳида тоифадаги абонент рақами** – рақамларнинг муайян изчиллиги (комбинацияси) билан ажралиб турадиган Абонент рақами бўлиб, у Оператор томонидан рақамларнинг ҳар бир тоифаси учун белгиланган тариф бўйича қўшимча ҳақ эвазига тақдим этилади.



Абонентга алоҳида тоифадаги абонент рақамини тақдим этиш тартиби Оператор томонидан мустақил равишда белгиланади. Алоҳида тоифадаги абонент рақамини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги батафсил ахборот Абонентга Операторнинг ўз офисларида, шунингдек тегишли маълумотларни Операторнинг Веб-сайтида жойлаштириш, оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш йўли билан, шунингдек Оператор маъқул топган бошқа усулларда етказилади.

Ушбу Шартнома матнида “Абонент рақами” дейилганда алоҳида тоифадаги абонент рақамлари ҳам тушунилади.

**АХКТ** – автоматлаштирилган ҳисоб-китоблар тизими (аппарат-дастурий комплекс) бўлиб, у Оператор билан Абонент ўртасидаги ҳисоб-китоблар автоматлаштирилишини таъминлаш, шунингдек кўрсатилган Алоқа хизматлари ҳисобини юритиш ва ахборотга ишлов бериш учун мўлжалланган.

**Абонент тўлови** – Тариф режаларининг ҳамда Алоҳида хизматлар тўпламлари ва бошқа хизматларни кўрсатиш шартларига мувофиқ, Оператор томонидан муайян (ҳисоб-китоб) даври (ой, чорак, йил ва ҳ.к.) учун Абонентдан ундириладиган, миқдори катъий белгиланган тўлов бўлиб, у Абонент алоқа хизматларидан қанча ҳажмда фойдаланганидан катъи назар, Оператор белгиланган миқдорда ва муддатларда Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисобварағидан чиқариб олинади.

**Операторнинг Веб-сайти** – Операторнинг [www.mobi.uz](http://www.mobi.uz) электрон манзилида жойлашган ахборот ресурси.

**Контент** – Абонентнинг сўрови асосида SMS, MMS, GPRS орқали олинган, ахборот, кўнгилочар ёки бошқа тусдаги матнли ёхуд мультимедиа маълумотлари.

**Контент-провайдер** – Оператор тармоғи орқали Абонентларга тижорат асосида контент хизматларини кўрсатувчи юридик шахс. Контент-провайдерлар ҳамда улар кўрсатадиган Контент хизматлари рўйхати Операторнинг веб-сайтида, шунингдек Контент-провайдерларнинг веб-сайтларида бор.

**Шахсий (электрон) ҳисобварақ** – Операторнинг автоматлаштирилган ҳисоб-китоблар тизимидаги тафсиллий электрон ҳужжат бўлиб, Абонент фойдаланилаётган хизматлар ҳақини тўлаши учун мўлжалланган. Унда Алоқа хизматларидан фойдаланиш давомида Абонент тўлаган ва сарфлаган пул маблағлари тўғрисидаги ахборот пул эквивалентида сақланади.

Абонент тўлаган пул маблағларини ва улар ечиб олиншини Шахсий (электрон) ҳисобварақда акс эттириш тартиби Оператор томонидан белгиланади.

**Алоҳида хизматлар тўплами** – Тариф режаси таркибига кирмаган муайян ҳажмдаги Алоқа хизматлари.

**Оператор офиси** – Оператор Абонентларни қабул қиладиган ва уларга хизмат кўрсатадиган, абонентларга оид маълумотлар базаси ҳамда Операторнинг фаолияти билан боғлиқ барча ҳужжатлар сақланадиган ва ишлов бериладиган хона, бино. Операторнинг бош офиси ва унинг Ўзбекистон Республикаси вилоятларидаги Хизмат кўрсатиш марказлари жойлашган манзил, уларнинг иш вақти тўғрисидаги ахборот Операторнинг Веб-сайтида кўрсатилади ва зарурат бўлишига қараб (масалан, жойлашган манзил ўзгарган ва бошқа ҳолларда), белгиланган тартибда янгилаб борилади.

**Дастлабки бўнақ тўлови** – Шартнома бўйича хизматлар умумий қийматининг 15%дан кам бўлмаган миқдордаги олдиндан тўлов суммаси.

**Оператор тармоғига кириш имкониятини бериш** – Абонентнинг Шахсий маълумотларига ишлов бериш ва уларни Операторнинг аппарат-дастурий комплексига киритиш борасида Оператор томонидан амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлар. Абонент Дастлабки бўнақ тўловини амалга оширганидан кейин Оператор тармоғига кириш имконига эга бўлади.

**Радиотелефон орқали уланиш давомийлиги** – бу, жавоб сигнали абонентнинг жавобига тенглаштирилувчи қакирилаётган абонент ёки ускуна жавобининг биринчи сониясидан бошлаб қакираётган ёки қакирилаётган абонент ёхуд шундай ускуна алокани узган лаҳзагача ўтган вақт оралиғи.

**Роуминг (Roaming)** – Абонент Ўзбекистон Республикасидан ташқарида, бошқа мамлакатда бўлганида Абонент Оператор тармоғида дастлаб рўйхатдан ўтганидаги маълумотлар албатта сақланган ҳолда у бошқа мобил (уяли) алоқа операторининг тармоғига киришини таъминловчи алоқа хизмати. Операторнинг роуминг-ҳамкорлари, роуминг хизматларини кўрсатиш шартлари тўғрисидаги ахборот Оператор офисларида ва/ёки Оператор веб-сайтида сақланади.



**Радиотелефон орқали уланиш** – иккита абонент қурилмаси, фойдаланувчи ўртасида ахборот алмашиш имконини таъминловчи радиотелефон алоқасини ўрнатиш. Бунда Абонент фойдаланувчиларнинг бири бўлади.

**Оператор тармоғи** – Абонентга Алоқа хизматларини тақдим этишда қўлланиладиган техник воситалар мажмуи (коммутация ва радио ускуналари, абонент қурилмалари, уланиш линиялари, иншоотлари ва х.к.).

**Алоқа хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги шартномага оид Келишув (кейинги ўринларда – “Келишув”)** – ушбу Шартноманинг ажралмас қисми бўлиб, унда Абонент ҳақидаги, Абонентга берилган абонент рақами, Абонент танлаган Алоқа хизматлари, Абонент унга улаб берилган абонент рақамларидан фойдаланиш учун мўлжаллаган абонент қурилмаларининг турлари, тўловномани етказиб бериш усули тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек Шартноманинг бошқа муҳим шартлари қайд этилади. Келишув Оператор томонидан Абонентга SIM-карта берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳам ҳисобланади. Келишув Абонентга берилган ҳар бир абонент рақами ёки тариф режаси бўйича расмийлаштирилади.

**Тариф** – Алоқа хизматининг ўлчов бирлиги учун Оператор томонидан белгиланадиган нарх.

**Тариф режаси** – нархларга оид шартлар мажмуи бўлиб, Оператор улар асосида абонентларга ёхуд абонентларнинг муайян доирасига ёки чекланган ҳудудда бир ёки бир нечта мобил алоқа хизматларидан фойдаланишни таклиф қилади.

Оператор Абонентга унинг учун махсус ишлаб чиқилган индивидуал тариф таклифлари асосида алоқа хизматларини тақдим этишга ҳақли.

**Алоқа хизматларини кўрсатишга оид техник имконият** – Операторнинг хизмат кўрсатиш ҳудудида Абонентга Алоқа хизматларини кўрсатиш учун зарур ишлаб турган техник алоқа воситалари ва иншоотлари мавжудлиги.

**Оператор тармоғига кириш учун рухсат бериш борасидаги техник имконият** – Операторнинг рақам сифимида бўш рақамлар ва/ёки алоқа каналлари, шу жумладан, мавжуд радиочастота ресурсини ҳисобга олган ҳолда радиоканаллар мавжудлиги.

**Алоқа хизматлари** – Оператор Тармоғига кириш имкониятини бериш, радиосигналлар ёки маълумотларни қабул қилиш, қайта ишлаш ва жўнатиш борасида тасдиқланган ва амалда бўлган Тарифларга ва (ёки) Тариф режаларига мувофиқ Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар, шунингдек Оператор ўзининг хизмат кўрсатиш автоматик тизимидан фойдаланган ҳолда Абонентга кўрсатадиган бошқа хизматлар.

Оператор Алоқа хизматлари рўйхатини Оператор Тармоғининг Техник имкониятларини ҳисобга олган ҳолда мустақил равишда белгилайди.

**GPRS (General Packet Radio Service)** – маълумотларни радиоканал орқали тўплам тарзида жўнатиш алоқа хизмати.

**SMS (Short Message Service)** – Абонентга қисқа матнли хабарларни Абонент қурилмаси орқали (ундан фойдаланган ҳолда) юбориш ва олиш имконини берувчи Алоқа хизмати.

**SIM-карта (Subscriber Identity Module)** – микросхема ўрнатилган идентификация модули бўлиб, унинг ёрдамида Абонент қурилмаси идентификацияланиши, у мобил алоқа тармоғига кириши, шунингдек абонент рақамидан рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя таъминланади.

SIM-карта турли Абонент қурилмаларига ўрнатилганида Абонентнинг тармоқдаги барча қайдлари ва унга берилган Абонент рақами сақланиб қолади. SIM-карта/eSIM билан бажарилган барча хатти-ҳаракатлар Абонент номидан амалга оширилган ҳисобланади.

**eSIM (embedded SIM)** – абонент қурилмасини виртуал идентификациялаш модули. Унинг ёрдамида абонент қурилмаси идентификацияланиши, унинг мобил алоқа тармоғидан фойдаланиш имконияти, шунингдек абонент рақамидан рухсатсиз фойдаланиш истисно этилиши таъминланади. **GSM-шлюз** – кўп ёки битта каналли мобил қурилма ҳамда дастурий-техник восита. У интернет тармоққа, умумий фойдаланишдаги стационар тармоққа ва/ёки мобил оператор тармоғига уланади ҳамда тармоқ ичидаги қўнғирок/SMS ёки Ўзбекистон Республикаси ичида бошқа тармоқларга қўнғирок/SMS тарификациясини таъминлаш учун абонент SIM-картаси ёки рақамидан фойдаланган ҳолда қуйидагиларни амалга ошириш имконини беради:

- VoIP каналидан ҳар қандай қирувчи халқаро қўнғирокларни GSM тармоқнинг каналларидан бирига қайта йўналтириш;



9.2. Тарафларнинг ҳеч бири ушбу Шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини иккинчи Тарафнинг ёзма розилигисиз учинчи тарафга беришга ҳақли эмас.

9.3. Тараф унинг манзили, шунингдек банк ва бошқа реквизитлари ўзгарган тақдирда шу ўзгариш вақтидан бошлаб 15 (ўн беш) календарь кун ичида бу ҳақда бошқа Тарафни хабардор қилишга мажбур. Бу мажбурият бажарилмаган тақдирда аввалги реквизитлар бўйича ижро ушбу Шартнома доирасида мажбуриятлар лозим тарзда бажарилиши ҳисобланади.

9.4. Ушбу Шартномада кўзда тутилмаган барча ҳолатларда Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига таянадилар.

9.5. Тарафлар ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ ёки ундан келиб чиқувчи барча хабарлар ва билдирувномаларни ўзбек тилида тузишлари ва бир-бирларига қуйидаги тарзда юборишлари керак:

- а) ушбу Шартнома тарафининг вақолатли ёки бошқа ҳар қандай ходимига шахсан топшириб, бу ҳақда тилхат олиш;
- б) бундай имконият йўқ бўлса, топширилгани ҳақида хабар бериладиган буюртма хат билан жўнатиш;
- в) электрон почта орқали юбориш.

9.6. Ушбу Шартнома Тарафларнинг хоҳиш-иродасига кўра бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада, ўзбек тилида тузилди.

9.7. Ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил "11" Декан дан 2022 йил 31 декабргача.

9.8. Ушбу Шартнома Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг нормаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида (ғазначилик бўлинмаларида) рўйхатга олинган вақтдан бошлаб кучга қиради.

### 10. Шартнома Тарафларининг реквизитлари

<p><b>ОПЕРАТОР</b> «UMS» МЧЖ Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 24 СТИР: 303020732 ОКЭД 61200 Расчетный счет (СУМ) 20214000300381984001 В ОПЕРУ АК «АЛОҚАВАНК» МФО: 00401</p>	<p><b>АБОНЕНТ</b> <i>Шартнома висоят ҳоқимини қўру ридаги Иссега иел ўринларига тасанни этисени рад дебелан тирисени шесса тарасени.</i> <i>Малия Возурини Тошкент Ғазначилик</i> X/P 2340200030010001010 МҚД: 00014 иел: 201122919 <i>Мартиний бдиел Тошкент иел</i> Х.К.К.М иелррх 302421860304017104204273002 М.ў. <i>Р. Рашидов О. Рашидов</i></p>
---	--



*Ким. КВ*  
*Ҳоқим: [Signature] Ил Ғаниев*